

СУТДОР ЭЧКИЛАРНИ АСРАШ, ПАРВАРИШЛАШ, ОЗИҚЛАНТИРИШ ВА СОГИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Эшматова Шахноза Иброҳимовна -Самарқанд давлат
ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар
университетининг таянч докторанти

Аннотация. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида кескин ўзгарувчан иқлим шароитига мос сутдор эчкиларни парваришлаш, ўстириши ҳамда уларнинг кимматли биологик маҳсулдорлик хусусиятларини сақлаб қолиши, ва бош сонларини кўпайтиришида асраш, парваришлаш, озиқлантириши ва согиши технологияларини қўллаш ҳақида фикрлар юритилади.

Калим сўзлар. Қиши, баҳор, ёз, куз, сутдор эчкиларни асраш, парваришлаш, озиқлантириши ва согиши технологиялари.

Аннотация. В статье приводятся данные о содержании и разведении молочных коз, адаптированных к быстро изменяющимся климатическим условиям, а также сохранение ценных биологических показателей продуктивности молочных коз, увеличение поголовья, кормления и доения в различных условиях региона нашей страны.

Ключевые слова. Зима, весна, лето, осень, молочность, коза, пастбище, уход, кормление, климат, температура тела, абсолютный прирост.

Тадқиқотнинг мақсади. Фарғона водийсида сутдор эчкиларни асраш, парваришлаш ва озиқлантириш технологияларини яратиш.

Тадқиқот вазифалари. Фағона водийси шароитида сутдор эчкичиликни ташкил этиш, турли ўсимликлардан яъни силос, сенаждан тайёрланган озуқалар билан озиқлантириш ва сутдор эчкиларни асраб қолиш чораларини белгилашдан иборат.

Ўзбекистон аҳолисини муентазам ўсиб бориши ва аҳолини чорвачилик маҳсулотларига бўлган талаблари айниқса, дастурхон мўл-кўлчилигини таъминлаш ҳамда тармоқларни инновацион усулларда ривожлантириш, шунингдек урчитилаётган эчки зотларида селекция ишларида самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда аҳоли сони ўсиб бориши натижасида, уларнинг озиқ - овқат маҳсулотларига бўлган талаби ва кундалик эҳтиёжи ҳам ортиб бормоқда. Инсонларни медицина меъёрига мувофиқ оқсилга бой бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашда, бугунги кунда парҳез таъом ҳисобланган эчки сути ва гўштини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади.

Сутдор эчки зотларини бошқа йўналишдаги эчки зотлари каби одатдаги усулларда асраш ва озиқлантириш шароитларида парваришлаб бўлмайди. Ҳозирги кунгача сут йўналишидаги эчкilarдан маҳсулот ишлаб чиқаришнинг илмий усуллари ҳаётга тўлиқ ва мукаммал тадбиқ этилмаган. Сутдор эчкilarни илмий асосда асраш ва озиқлантириш усулларини ишлаб чиқиш ҳамда аҳолини оқсилга бой бўлган маҳсулотлар билан таъминлаш илм-фан олидида турган долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Чорвачилик, жумладан сутдор эчкичиликни ривожлантириш ва маҳсулотларини қўплаб етиштиришда, худудларда урчитилаётган мавжуд эчки зотларини такомиллаштириш ҳамда селекция усулларида асраш ва озиқлантиришда замонавий усуллардан фойдаланиш ҳам муҳим омиллардан ҳисобланади.

Замонавий технологиялар асосида сутдор эчкilarни асрash ва озиқлантириш усулларини қўллаш ҳамда маҳаллий шароитга мос инновацион технологияларни ишлаб чиқиб қўллаш ҳам сут йўналишидаги эчkilarning ирсий хўжалик фойдали белгиларини юзага чиқаришда асосий омиллардан ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳозирги кунда сутдор эчкичиликни шакллантиришда хориждан келтирилаётган эчки зотларини маҳаллий

шароитга мослаштириш ҳамда улар наслини урчитиб кўпайтириш, заанен ва алъп зотли эчкиларни “ўзаро” чатиштириб уланинг сут маҳсулдорлигини оширишда илмий-тадқиқот ишларини муттасил олиб бориш ва маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи хўжаликларда инновацион технологияларни жорий этиш, олимлар томонидан ишлаб чиқилган тавсиялар, кўлланма, услугуб ва кўникмалардан ишлаб чиқаришда самарали фойдаланишни йўлга қўйиш соҳани янада барқарор ривожланишини таъминлаш имконини яратади.

Сутдор эчкиларни асраш ва парваришилаш. Сутдор эчкичиликда юқори маҳсулдор эчкиларни яшовчанлик, маҳсулдорлик қобилияти фасллар алмашинуви билан узвий боғлиқликда кузатилади. Сутдор эчкиларни қиши мавсумидан беталофат чиқариш ва баҳор мавсумида ялпи тўл олиш энг масъулиятли давр ҳисобланади ҳамда она эчкилардан қиши мавсумида асраш ва улардан соғлом улоқлар олиш ҳамда янги туғилган улоқларни сақлаб қолиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистоннинг Фарғона водийси шароитида сут йўналишидаги она эчкилардан улоқ олиш мавсуми қиши мавсумининг охирига ва эрта баҳорга тўғри келади. Эрта баҳорги мавсумда она эчкилардан улоқ олиш учун подадаги она эчкилар ҳамда қочириш ёшидаги урғочи эчкилар куз мавсумининг октябр-ноябр ойларида тўлиқ табиий усуслда қочирилади. Қочириш мавсумида қочириш ёшидаги барча эчкиларга юқори маҳсулдор такалар режага мувофиқ жуфтлаштирилади.

Табиий қочирилган эчкиларнинг ҳомиладорлик даври асосан қиши даврига тўғри келади. Бўғоз эчкилар кенг ва яхши таъмирланган биноларда асралади ҳамда эчкиларни парваришилаш талабларига мувофиқ асралади ва озиқлантирилади ҳамда эчкиларни автомат усуслда суғориш ташкил этилади.

Бу давр она эчкилардан соғлом ва бакувват улоқ олиш билан бирга, йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш, шунингдек хўжаликни йиллик иқтисодий даромадини ҳам белгиловчи мавсум ҳисобланади.

Сутдор әчкичиликтан даромад олиш әчкіларни асраш ва парваришлиш технологиялари билан узвий боғлиқ. Айниңса, сутдор әчкіларни асраш ва озиқлантириш технологияси бошқа жундор, тивит йұналишлардаги әчкілар технологиясидан тубдан фарқ қиласы. Шунга қарал хұжаликда сутдор әчкіларни асраш ва озиқлантириш шароитлари күлланилади.

Сутдор әчкичилика сут ишлаб чиқиши технологияларига риоя этиш ва замонавий технологияларни жорий этиш мұхым аҳамияттаға эга. Бугунги кунда сутдор әчкичилиги ривожланған АҚШ, Европа, Осиё давлатларыда күлланилаётган технологиялар үзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Бугунги кунда сут йұналишидаги әчкичиликка ихтисослаштирилған фермаларни барпо этиш, уларда парваришланаётган барча турдаги әчкілар жинси, ёши ва маҳсулдорлық йұналишларига қарал гурухларға ажратилади ҳамда бинода белгиланған бўлимларға жойлаштирилади.

Сутдор әчкілар сурувининг таркиби қуйидаги гурухларга бўлинади:

- наслли такалар ва эркак улоқлар гурухи;
- она әчкілар гурухи;
- сурувни таъмирлаш учун ўстирилаётган ёш ургочи улоқлар гурухи;
- сурувда қисир қолған, яроқсиз гурухга чиқрилған қари она әчкілар, қари такалар, бичилған такалар ҳамда сотиш учун ажратилған эркак ва ургочи улоқлар гурухларига ажратилади. Гурухлар бинонинг белгиланған бўлимларида асралади ва парваришланади.

Она әчкілардан улоқ олиш мавсумида бажариладиган ишлар.

Худудий иқтисодий жойлашувлар ва табиий иқлим шароитларыда она әчкілардан улоқ олиш мавсуми февраль—март ойларига түғри келади. Бу даврда об-ҳаво жуда тез ўзгарувчан бўлади, кутилмагандан об-ҳаво даражасини кескин пасайиши ёки ортиш ҳолатлари пайдо бўлиши мумкин.

Киши даври узайган даврларда ҳаттоқи қор ёғиши, совуқ шамол эсиб кучли ёмғир ёғиши мумкин. Шунинг учун ҳам она әчкілар туғадиган биноларда аввалдан хонани иситиш чоралари кўрилади.

Улоқлар табиатан бақувват бўлиб туғилади. Камдан-кам ҳолатларда она эчкилар улоғи пардага ўралиб туғилади. Бундай пайтда навбатчи томонидан тез ёрдам кўрсатилади. Парда йиртилади, суюқлик оқизиб юборилади, улоқнинг аввал нафас олиш ва эшишиш органлари яъни бурун ва қулоги тоза сочиқ билан артилади, сўнгра баданидаги шилимшиқ суюқлик қуруқ сочиқ билан тозаланади. Туққан она эчки улоғини қуритиш учун тили билан ялайди ва янги туғилган улоқ танасида қон айланишини таъминлайди.

Она эчкидан бақкуват ва соғлом туғилган улоқлар тез орада оёққа туради ва ўзини-ўзи бошқаради. Онасидан туғилган улоқларда онасини эмиш инстинкти мавжуд. Шунинг учун улоқлар туғилгандан сўнг ўрнидан туришга ҳаракат қиласиди. Улоқлар онасини эмиш учун 1,0 - 2,0 соат давомида елин сўрғичларини топади. Янги туғилган улоқлар қийинчилик билан елин сўрғичини топиб эма бошлайди. Улоқни биринчи марта оғиз сути билан эмдиришдан аввал елин сўрғичидаги биринчи сут бўлаги бошқа идишга соғиб олинади. Улоқ оғиз сутини оз-оздан, тез-тез 10-15 гр-дан, сўнгра 30-50 гр-дан эма бошлайди.

Фақат заиф ва нимжон туғилган улоқларга навбатчилар томонидан биринчи ёрдам кўрсатилади. Ожиз туғилган улоқлар ҳаракатининг сустлиги, нимжонлиги учун она эчкининг елин сўрғичларини топиб озиқлана олмайди.

Бундан ташқари биринчи маротаба туққан ёш она эчкилар орасида шундайлари ҳам учрайдики, улар ўз улоғини эмдиришга йўл қўймайди, чунки уларнинг қитиги ўлмаган, сесканувчан бўлади, айрим она эчкиларда ҳуркаклик каби салбий аломатлар ҳам учраб туради, шунингдек она эчки орқасидан тушган улоқдан қўрқиб ташлаб қочадиганлари ҳам учрайди.

Бундай ҳолатларда туғиши хонасига бириклирилган тажрибали навбатчи чўпоннинг тажрибаси ва маҳорати муҳим ўрин тутади.

Сутдор эчкичиликда ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатадики, янги туғилган улоқларда нобуд бўлиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Улоқ ўлимининг асосий сабаби тунги навбатчиларни ўз вазифасини тўлиқ

тушунмаслиги, ишига совуққонлик ва масъулиятсизлик билан ёндошиши хисобланади. Ана шундай салбий ҳолатларга йўл қўймасликнинг олдини олиш учун ҳар қуни туғруқхонага белгиланаётган тунги навбатчиларга, фермер хўжалигининг раҳбарияти томонидан тунда бажариладиган ишлар бўйича йўриқнома қўрсатилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Эчкилар туғруқхонаси. Замонавий усулда курилган биноларда туғадиган эчкилар учун алоҳида маҳсус туғруқхона ташкил этилади. Туғруқхона барча ветеринария ва санитария қоидаларига мос келиши таъминланади.

Туғруқхонада ҳар бир туғадиган она эчки учун алоҳида катак ажратилади. Катакнинг эни 1,2 ва узунлиги 1,8 ўлчамдаги маҳсус катак ажратилади. Маҳсус катак майдончасининг тагига 40-50 см қалинликдаги сомон тўшамаси тўшалади. Туғруқхонада она эчкилар “она-улоқ” усулида курилган маҳсус катакларда асралади, катаклар маҳсус материал билан ўралади. Туғруқхонада эчки ва улоқни шамоллаш ҳолатини олдини олиш учун елвизак ҳосил бўлишига йўл қўйилмайди. Ҳар бир катакда она эчкини озиқлантириш ва маҳсус илиқ сув ичириш мосламалари ўрнатилади.

Туғруқхонада эчкиларни туғдириш ва асраш. Бўғоз эчкилар туғруқхонада туғдирилади. Туққан она эчкилар улоғи билан бирга маҳсус катакда “она –улоқ” усулида асралади. Туғруқхонадаги “она –улоқ” учун курилган маҳсус катак ўлчамининг узунлиги 1,5 - 1,8 м, эни 1,0 - 1,2 м, ён деворларининг баландлиги 1,0 - 1,2 метрни ташкил этади. Ташқарида обҳаво -5-10 °C даражада совуқ бўлган пайтларда туғруқхона биносидаги ҳарорат камида +10 °C даражадан кам бўлмаслиги таъминланади. Янги туғилган улоқлар онаси билан бирга маҳсус катакда 3-5 кун давомида асралади ва шундан кейин улоқлар онасидан ажратилиб бошқа бўлимга ўтказилади.

Туғруқхонанинг маҳсус катагидаги “она-улоқ” эчкилар бошқа жойга кўчирилгандан сўнг, уларнинг турган жойи сомон тўшамаси тозаланиб дезинфекция қилинади ва янги сомон тўшамаси солиб қўйилади.

Улоқ туғилған пайтидан бошлаб 3-5 кунгача онаси билан бирга асралади. Ёш улоқчаларни алоҳида парваришилаш хонаси туғруқхонага яқин жойда ташкил этилади. Туғруқхона ва улоқларни асраш хоналари ҳаво ҳароратининг илиқлиқ даражаси бир-бирига мос бўлгани мақсадга мувофиқ. Бино ичи катта ҳажмда бўлганда, бинонинг бир қисмида туғруқхонадаги она эчкilarни ҳамда иккинчи қисмида ёш улоқчаларни асраш мумкин.

Бинода туғруқхона билан улоқчалар асраладиган майдон бир-биридан ажратилған ва тўсиқ ёки девор билан тўсилган бўлиши ҳамда она эчки ва унинг улоқлари бир-бирини қўрмаслиги таъминланади.

Она эчки ва улоқлар асраладиган туғруқхона биноси. Она эчки ва улоқлар асраладиган туғруқхона биносининг поли доимо қуруқ бўлиши таъминланади. Одатда эчкilar намликни ёқтиргмайди. Уларнинг тагига 40-50 см қалинликдаги сомон тўшамаси солинади. Бу тўшама хонадаги намликни ўзига яхши тортиб олади. Тўшама устида ётган эчки иссиқ ётади ҳамда она ва улоқдан ажralиб чиқсан иссиқлик билан бино иссийди.

Улоқлар асраладиган бинодаги ҳарорат мўттадил 10°C - 18°C даражада бўлиши таъминланади. Ҳаво ҳарорати 18°C юқори бўлса, сув, сийдик ва ахлатидан пайдо бўладиган намлиқдан заҳарли аммияк моддаси ажralиб чиқиб, буғланиш ҳолати ортади. Шунингдек аммиакнинг ҳиди эчкilarга ёмон таъсир этади.

Сут йўналишидаги она эчкilarни асраш усувлари. Она эчкilarни асраш ва уларни парваришилаш технологияларига қатъий риоя қилинади. Туққан эчkilarни “она – улоқ” усулида асраш ва парвариш усули мавжуд.

Она эчkilarни озиқлантиришда турли технологик усувлар қўлланилади:

-она эчkilarни яйловда боқиши ва улоқларни онасидан алоҳида ажратиш ҳамда тез-тез эмдириш учун қайтариб келиш;

- она эчкиларни бир жойда бинода сақлаш, озиқлантириш ва улоқларини онасидан алоҳида сақлаш;
- она эчкиларни улоғи билан бирга асраш ва озиқлантириш;
- улоқларни онасидан алоҳида ажратиб сақлаш ва улоқларни қўлда ускуна ёрдамида эмдириш;
- она эчкиларни яйловда яйратиб боқиши, улоқларини онасидан ажратиб алоҳида сақлаш ва парваришиш;
- улоқларни онасидан алоҳида ажратиб асраш ва она эчкиларни соғиш даврида эмдириш каби усуллардан фойдаланилади.

Янги туғилган улоқларни парваришиш. Сутдор эчкичилик технологиясига мувофиқ янги туғилган улоқлар онасининг елинида ҳосил бўлган оғиз сутидан вақти-вақти билан оз-оздан ичирилади. Елин сўрғичидаги биринчи бўлак сут бошқа идишга соғиб олинади. Оғиз сутининг таркиби ёш улоқ организми учун энг зарур бўлган оқсил, ёғ ва минералларга бой бўлади. Янги тукқан она эчкилар елинида оғиз сути даври 5 - 7 кунни ташкил этади.

Янги туғилган улоқлар она сутини ичиши ҳисобига соғлом ва бақувват ўсади ва жадал тез ривожланади. Улоқларни сут ичиришга ўргатиш даври анча сермашақат ҳисобланади, ҳар бир улоқ эътибордан четда қолмасликни ва парваришини талаб этади. Шунинг учун улоқларни сут ичириш даврида туғруқхонада навбатчилик ташкил қилинади, навбатчи чўпонлар туғилган улоқларни 1 -2 саоат давомида янги тукқан она эчки елинида пайдо бўладиган оғиз сутидан ичдиради ва кейинчалик улоқни ҳар 3-4 соатда онасини мустақил эмиб туришини таъминлайди. Айрим нимжон туғилган улоқлар елин сўрғичидан сут ичишни билмайди. Бу даврда навбатчи чўпон улоқни онаси елини сўрғичдан эмишга ўргатади. Зарурат туғилганда навбатчи бармоғи орқали улоқни онасининг елинини сўришга ўргатади. Улоқни елин сўрғичини топиб эмдириш учун бироз вақт кетади. Улоқ онасини мустақил топиб эмишга ўргангуга қадар навбатчи томонидан ёрдам бериб борилади.

Ёш улоқчаларни асраш ва озиқлантириш. Онаси билан 3-5 кун бирга асралган улоқчалар алоҳида бинодаги катакларда 5 - 6 бошдан гурухлаб асралади ва озиқлантирилади. Янги онасидан ажратилган улоқларнинг гурухлаб ўстириш учун ўрнатиладиган катак ўлчами 3,5 - 4,0 м² ёки 14 м² майдонни ташкил этади.

Улоқлар бино ичида ўрнатилган катакларда 20 кунлигигача гурухлаб асралади. Улоқларни ёши улгайган сари ҳар 5 кунда уларнинг жойлари ўзгартирилади, кенгайтирилган катакларга қўчирилади. Бинода улоқларни бундай усулда асрашда улар об-ҳаво таъсирларига учрамайди, шамоллаш ва касалланиш ҳолатларининг олди олинади.

Улоқхонада онасидан ажратилган улоқлар учун алоҳида катаклар ўрнатилади. Ҳар бир катакда 10 - 20 бошгача улоқлар асралади.

Улоқлар онасидан ажратилгандан сўнг уларни бир жойда асраш ва озиқлантириш ташкил этилади. Катакларда гурухлаб парваришланаётган улоқлар она эчкилардан соғиб олинган сут билан қўлда эмдириш ускунаси ёрдамида сут ичирилади. Одатда улоқларнинг сут ичириш даври 90 кун давом этади. Айрим имконияти йўқ хўжаликларда улоқларни онаси билан бирга асраш даврини 120-150 кунгача давом эттириши мумкин.

Сут берувчи эчкиларни озиқлантириш. Эчкилар хўжалик шароитидан келиб чиқиб турли хил озуқалар билан озиқлантирилади (1-жадвал).

Сутдор эчкиларни озиқлантиришда уларга майдаланган озуқалар ва қўшимча концентрат озуқалар билан бойитилади. Озиқлантириш рационини ишлаб чиқишида максимал даражада арzon озуқа турларидан фойдаланилади ва эчкилар сутининг сифатини ошириш учун майдаланган ўт ва бошқа хашаклар билан қўшимча озиқлантирилади.

Сутдор соғин эчкиларни озиқлантиришда саноат асосида тайёрланган озуқа аралашмаларидан ва омухта, концентратлардан фойдаланилади. Рационда сут берувчи эчкиларнинг озуқалари

мувозанатлаштирилади, витаминлар ва микро-макро элементлар билан бойитилади.

Озуқа рационининг таркибида пичан миқдори - 10 фоизни, сенаж - 17, силос -26, озуқа лавлаги ёки ошқовоқ - 5, омухта ем -20, маккажўхори сўтаси - 7, кунгабоқар шроти -10 ва донли ёрмалар -5 фоизни ташкил этади.

Қочириш ёшидаги урғочи эчкиларга 1,5-1,6 килограмм озуқа бирлигига озуқа берилади, қочирилган ва бўғозлик даврининг I-ярмида 1,7 озуқа бирлигига, бўғозлик даврининг II-ярмида 1,9 озуқа бирлигига ҳамда соғин даврида эчкиларга 2,0 - 2,1 озуқа бирлигига озиқлантириш ташкил этилади. Озуқа рационида хом протеин, ёғ ҳамда макро элементлар мувозанат-лаштирилади.

1-жадвал

Сутдор эчкиларни озиқлантиришнинг намунавий рационлари

т/с	Озуқатурлари	Қочиришёш идагиурғоч иэчкилар		Бўғозликнинг биринчи яримида		Бўғозликнинг иккинчиярим иде		Лактация (соғин)даврида	
		Озук а миқ.	Оз.б ирл.	Озук а миқ.	О.б., кг	Озук а миқ.	О.б., кг	Озук а миқ.	О.б. кг
1	Пичан, кг	0,41	0,164	0,451	0,18	0,496	0,198	0,546	0,218
2	Сенаж, кг	1,0	0,28	1,1	0,308	1,21	0,339	1,331	0,373
3	Силос, кг	2,35	0,423	2,585	0,465	2,844	0,512	3,128	0,563
4	Лавлаги (ошқовоқ), кг	0,68	0,082	0,748	0,09	0,823	0,099	0,905	0,109
6	Комбикорм, кг	0,5	0,34	0,55	0,374	0,605	0,411	0,666	0,453
7	Маккажўхор исўтасибина н, кг	0,115	0,081	0,127	0,089	0,139	0,097	0,153	0,107
8	Кунгабоқар шроти, кг	0,15	0,134	0,165	0,147	0,182	0,162	0,2	0,178

9	Буғдой, арпаёрмаси, кг	0,14	0,084	0,154	0,092	0,169	0,102	0,186	0,112
	Жами		1,587		1,745		1,92		2,112

Юқорида қайд этилган рацион асосида барча турдаги әчкилар озиқлантирилганда, уларнинг тирик вазни ҳамда она әчкиларнинг маҳсулдорлиги ортиб бориши кузатилади.

Сутдор әчкичиликда түппланган тажрибалардан маълумки, она әчкилар яйловда ўсадиган дағал пояли ўсимликлар пичани берилса, унинг 20-30 фоизини истеъмол қиласи холос. Агар, дағал хашакка қайта ишлов берилиб, шу озуқа майдалаб берилса, озуканинг 40-80 фоизини истеъмол қилишига эришилади. Ушбу озукаларга омухта ем қўшиб берилса, әчкилар нишхўрд умуман чиқармайди.

Она әчкиларга бериладиган аралаш озуканинг 80 фоизини дағал хашак ва 20 фоизини концентрат ем ташкил этади. Мабодо хўжаликда она әчкиларни озиқлантиришда пахта шелухаси бўлмаса, концентрат озукани тежаш мақсадида 90 кг майдаланган дағал хашакка 10 кг кунжара аралаштирилади ва 100 кг ҳажмдаги ана шундай аралашма таркибида 45,5 кг озуқа бирлиги ва 72 кг ҳазмланувчи оқсил ҳосил қилинади.

Она әчкиларни яйловда ўтлатиб боқиша, уларга қўшимча 1,0-1,5 кг куруқ аралаш озуқа берилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу рацион таркибида 0,4-0,6 кг озуқа бирлиги ҳамда 40-60 г ҳазмланувчи оқсил пайдо бўлади ва бундай озукалар билан она әчкилар озиқлантирилганда, она әчкилар эҳтиёжининг ярмини қаноатлантиради. Ҳар бир она әчкига кунига 2 кг донли аралаш озуқа бериб борилади, улар рационининг тўйимлилиги 1,2 озуқа бирлигига teng бўлади. Бу рацион бўғоз она әчкиларни озиқлантириш меъёрига мос келади.

Янги туқсан она әчкиларни ширали озукалар (сенаж, силос, илдиз мевалар) билан қўшимча озиқлантириш ташкил этилса, она әчкилар сут маҳсулдорлиги янада ортади. Бундай усулда ҳар бош она әчкига даставвал

1,0 кг, кейинчалик кунлик соғин миқдоринининг ошишига қараб ҳар беш кунда 1,5 кг, ўн кунда 2,0 кг-дан ширали озуқа бериб борилади.

Сут йўналишидаги эчкичиликда она эчкилар гуруҳларини яйловда боқиш бошқа гуруҳ эчкиларга нисбатан бошқача усулда амалга оширилади. Она эчкилар гуруҳини улоқлари билан бирга асралиб парваришиланганда ёш улоқчаларни чарчатиб қўймаслик ҳамда оналарини тўйдириб эмдириши учун яйловдаги она эчкилар гурухи тез-тез тўхтатиб турилади. Яловда она эчкилар тез-тез тўхтатилганда, уларнинг улоқлари яъни улоқлари онасига етиб олиш имкони пайдо бўлади ҳамда улоқларни чарчаб қолишига йўл қўйилмайди.

Она эчкиларни яйловда яйратиб боқиш, улоқларини онасидан ажратиб алоҳида сақлаш ва парваришилаш усули қўлланилганда, она эчкилар ферма жойлашган ҳудуд атрофидаги яйловда боқилади. Ферма атрофидаги яйловда боқиш графиги асосида она эчкилар яйратиб боқилади. Бир кунлик графикда эраталабки, тушдан кейинги яйратиш вақтлари соат билан белгиланади. Эрталаб соат 7-12 гача ва тушлик даври 12-14 гача.

Об-ҳаво шароитига ҳам эътибор қаратилади. Ёғингарчилик ёки қор ёғаётган пайтда она эчкилар бинода асралади. Об-ҳаво илиқ ва иссиқ кунлари она эчкилар яйловда яйратиб боқилади. Она эчкилар фермага қайтарилгандан сўнг уларга қўшимча концентрат озуқалари берилади.

Улоқларни онасидан ажратиш ва озиқлантириш. Она эчкиларни улоғидан ажратишнинг турли усуллари мавжуд. Улоқлар хўжалик шароитидан келиб чиқиб онасидан 3-7 кунлигида ажратилиши мумкин. Улоқларни онасидан алоҳида асралганда сут ичириш ва озиқлантириш муддатининг намунавий меъёрлари қўйидаги 2-жадвалда келтирилади.

Эчкилар сурувида эгиз туққан она эчкиларга алоҳида эътибор билан қаралади. Эчкичилик тажрибасидан маълумки, аксарият она эчкилар иккинчи туғишидан бошлаб 2 - 3 бошдан эгиз улоқ тугади. Эгиз тугилган улоқларни парваришилаш тажрибали чўпонга топширилади. Янги эгиз тугилган улоқларни усти ўз вақтида тоза сочиқ билан қуритилади, танаси

қиздирилади, ётган жойидан туришга кўмак берилади, биринчи ҳаракатида онасини тез топиш ва она елинида ҳосил бўладиган оғиз сутидан елин сўрғичларидан эмиб ичириш имконияти яратилади.

2-жадвал

Улоқларни сут ичириш ва озиқлантириш рациони

Улоқ ёши, (кун)	Бир суткада озиқлантириши сони	Сут ичиш даврида истемол қилинадиган озуқаларнинг турлари										Изоҳ
		Она эчки сути			Суюлтирилган сули		Концентратлар		Илдизмевалар			
	Бир март а озиқлантирилганда, г	Сутк а-да, г	Жами давр давомида, кг	Сутк а-да, г	Жами сут ичириши даврида, кг	Сутка-да, г	Жами давр давомида, кг	Сутк а-да, г	Жами давр давомида, кг	Сутк а-да, г	Жами давр давомида, кг	
1	6	80	480	0,48	-	-	-	-	-	-	-	Бино майдон-часида
2	6	100	600	0,60	-	-	-	-	-	-	-	
3	6	120	720	0,72	-	-	-	-	-	-	-	
4	6	140	840	0,84	-	-	-	-	-	-	-	
5	6	160	960	0,96	-	-	-	-	-	-	-	
6-10	5	220	1100	5,50	-	-	-	-	-	-	-	
11-20	4	300	1200	12,00	200	2,0						
21-30	4	300	1200	12,00	300	3,0	30	0,3				
31-40	3	350	1050	10,50	500	5,0	50	0,5	40	0,4		Яйловда боқиљ-
41-50	3	250	750	7,50	700	7,0	100	1,0	60	0,6		

51-60	3	150	450	4,50	800	8,0	150	1,5	100	1,0	ганд а
61-70	3	100	300	3,00	800	8,0	200	2,0	200	2,0	
71-80	3	100	300	3,00	-	-	200	2,0	250	2,5	
81-90	3	100	300	3,00	-	-	300	3,0	250	2,5	
Хаммаси	-	-	-	64,6	-	33,0 ёки 3,3 қуруқ сули	-	10,3	-	9,0	

Янги туғилған улоқ оғиз сутидан мажбурий ичирилади. Оғиз сути ичакни тозалайды, туғилған пайтида ичакда бўладиган антитела юқадиган инфекциялардан ҳимоя қиласиди. Улоқлар 1 ойлик бўлмагунгача, ҳар куни 4 маҳал (4-5 соатда) сут билан озиқлантирилади. Ёз мавсумида эрталаб соат 5-00 да улоқчаларни озиқлантириш бошланади ва кечки соат 20-00 да озиқлантириш тутатилади. Қиши мавсумида эрталаб соат 6-00 да бошланиб кечки соат 20-00 да озиқлантириш тутатилади.

Улоқларга биринчи 10 кунликда соғилған эчки сути 37 илитилиб янги соғилған сутдек берилади. Икки ҳафталигидан бошлаб хашак истеъмол қилишга ҳамда 4 - 5 г-дан туз ялашга ўргатилади.

Улоқлар 7-8 ойликда, қиши даврида 1,0-1,5 кг хашак, омухта –ем 200-300 г, шунингдек 1 кг илдизмевалар билан озиқлантирилади. Пиширлган сули бўтқаси билан ҳам илиқ ҳолатдаги бўтқага туз сепиб берилади. Озиқлантиришда илдизмевалар майдалангандан ҳолда бўлиши зарур.

Омухта ем тайёрлашда, кепак, бўр, синган сули, суюк унидан фойдаланилади. Улоқларга бериладиган озуқалар тўйимли ва сифатли бўлгандан, улоқларни кунлик ўсиши 100 - 160 г ёки ҳар ойда тирик вазни 3-5 кг-дан ортиб боради.

Эгиз туғилган улоқчаларни парваришиш. Эгиз улоқ түкқан она эчкиларнинг кунлик сут маҳсулдорлигига эътибор қаратилади, борди-ю она эчки сут маҳсулдорлиги улоқларини эмдириш учун етарли бўлмаса, бошқа она эчкининг сутидан соғиб ичириш йўлга қўйилади. Улоқларни сут ичириш даврида сунъий сут билан ҳам озиқлантириш мумкин.

Ёш урғочи эчкиларни қочириш. Ёш урғочи улоқчалар 7-8 ойлигига жинсий вояга етилади, аммо улар 15-18 ойлигига тўлиқ жинсий вояга етгандан сўнг қочирилади. Улоқлар эрта қочирилганда, қочириш натижаси пасаяди, улардан туғилган улоқлар нимжон туғилади. Улоқларни ҳаддан ташқари кеч қочириш насл бермаслик ҳолатини келтириб чиқаради.

Тукқан эчкиларни соғиш ва соғищ ускуналаридан фойдаланиш. Сут берувчи эчкилар хўжаликнинг шароитига қараб сут соғиш ускунасида соғилади.

Эчкилар қўлда соғилганда бир соғувчига 50 бош, замонавий жиҳозланган соғиш залида 200 бошгача соғин эчкилар бириктирилади. Хўжалик шароитида соғиш усуллари хўжаликнинг шароитидан келиб чиқиб қўлланилади.

Эчкиларни соғиш ускунасида соғилганда, турли соғиш ускуналаридан фойдаланилади. Соғиш ускуналарини танлаш соғиладиган эчкилар бош сонидан, уларни парваришиш технологиясидан ҳамда буюртмачининг моддий техника шароитидан келиб чиқиб аниқланади. Бироқ шуни ҳам эътиборга олиш керакки, соғиш даври муддати 2,0-2,5 соатдан чўзилиб кетмаслиги керак. Соғин эчкиларни соғишда эчкини соғишга мослаштириш мумкин. Эчкиларни соғиш ускуналаридан бир челакли эчкиларни соғиш мобил ускунаси 30-40 бош эчкини соғишга мўлжалланган.

Хўжаликларда соғиш ускунасининг АИД-2 маркаси қўлланилади. Соғиш ускунасининг иккита сўргичи қотириб қўйилади холос. Ёки тўргала сўрғич мосламаси иккита эчкини соғишга мослаштирилади. Бундай ускуна

билин соғишда бир вақтнинг ўзида иккита эчки соғилади ва 2,0-2,5 соатда 120 бош эчкини соғишига хизмат қиласиди.

Соғин эчкилар бош сони кўп бўлганда, у ҳолда замонавий усулда эчкиларни соғиши ташкил этилади. Интенсив усул билан соғин эчкиларни соғиши усули хўжаликда қўлланилганда соғиши ускунаси соғиши залига ўрнатилади.

Эчкиларни 96 бошга мўлжалланган мобил соғиши ускунаси ҳам мавжуд. Соғин эчкилар “Арча” ёки “Карусел” усулида ўрнатилган ускуналарда соғилади. Бунда ҳар бир соғимга 48 бошдан икки гуруҳ соғин эчкилар киритилади. Бундай соғиши залларини жиҳозлашда 48 бош эчкини соғишига ҳам мослаштириш мумкин. Залга киритилган соғин эчкилардан 15 минутда уларнинг сути соғиб олинади. Кейинги соғинларга ҳам 48 бошдан соғин эчкиларни киритиш давом эттирилади.

Бундай жиҳозлар мажмуасига соғиши қурилмалари, озукаларни тарқатиши мосламалари, ваккум тизими, сут ўтказиш трубалари, соғиши ускунаси мосламаси, сутни бирламчи совутиши ва сақлаш тизимлари киради.

Сутдор эчкилар соғиши мосламасида соғишига тез мослашади, 2-3 марта соғилган эчкилар ихтиёрий равишида соғишига ўрганиб қолади.

Эчкиларнинг соғиши даври муддатининг қисқариши улоқларни ўстириши ҳамда хўжаликда қабул қилинган технология билан узвий боғлиқ.

Сунъий усулда парваришилаётган улоқлар, туғилган пайтдан бошлаб ҳар куни 4-5 маратоба соғиладиган эчкиларнинг оғиз сутидан ичириб борилади.

Одатда она эчкилар 4,5-5,0 ой давомида ёки 10 ой давомида соғилади. Қуз мавсумида қочирилган она эчкилар туғишига икки ой муддат қолганда сутдан мажбурий чиқарилади.

Айрим сут ишлаб чиқаришига ихтисослашган хўжаликларда она эчкиларни сут бериш даври 9-11 ойни, ёки 270 - 331 кунни ташкил этади. Бундай ҳолатда эчкилар тукқан кунидан бошлаб соғилади.

Улоқлари соғиб олинган табиий сут билан (37°C) илитилган ҳолда озиқлантирилади.

“Она ва улоқ” усулида парваришланган әчкичиликда улоқ туғилгандан бошлаб онаси билан бирга асралади ва 8-10 ҳафтадан ёки 56 - 70 кундан бошлаб она әчкиларнинг сути соғиб олинади. Бу усулда она әчкилар кунига бир маҳал соғилади. Қолган пайтда она әчкилар ўзининг улоқларини ўсиши ва ривожланиши учун эмдиради.

Демак, сут йўналишидаги әчкиларни ёши, жинси ва маҳсулдорлик йўналишига қараб асраш, парваришлаш, бўғоз әчкиларни босқичма-босқич озиқлантириш, мавсумий туғдириш, янги туғилган улоқларни онаси билан бирга асраш ёки онасидан ажратиш, оғиз сути ичишидан сўнг ёш улоқларни онасидан алоҳида-алоҳида гурухларда асраш, соғин әчкиларни тўла қийматли озуқалар билан озиқлантириб соғиш, соғиш технологияларини кўллаш сут йўналишидаги әчкичиликда юқори самара келтиради.